

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ УЛУҒБЕК НУСРАТОВИЧ**

**ГРЭМ ГРИН РОМАНЛАРИДА ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН**  
**КОНЦЕПЦИЯСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК: 821.111-31(410.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Каримов Улугбек Нусратович**

Грэм Грин романларида замон ва қаҳрамон концепцияси ..... 3

**Каримов Улугбек Нусратович**

Концепция времени и героя в романах Грэма Грина ..... 21

**Ulugbek Nusratovich Karimov**

The Time and Hero Conception in Graham Greene Novels.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ УЛУҒБЕК НУСРАТОВИЧ**

**ГРЭМ ГРИН РОМАНЛАРИДА ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН**  
**КОНЦЕПЦИЯСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги **Олий аттестацияси комиссиясида В2017.3.PhD/Ped315** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) **Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz)** ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халлиева Гулноз Искандаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Садиқов Зоҳиджон Якубжанович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Адилова Шахноза Рахимовна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация химояси **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети** хузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» март куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

Диссертация билан **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» март да тарқатилди.

(2022 йил «18» март даги 9 рақамли реестр баённомаси.)



**Г. Х. Бакиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Х. Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

**Ж. А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадий образни яратиш, замон ва қаҳрамон концепциясини тадқиқ қилиш ва асар қаҳрамонининг психологик ҳолатини ўрганишлиши кундан-кун оммалашиб бормоқда. Ушбу бадийликнинг маҳсули сифатида жаҳон адабиётининг намоёндалари ижодида замон ва қаҳрамон концепциясининг ёритилиб берилиши ва уларнинг асарларида сюжет, композиция, образ ва ҳарактер жиҳатдан уйғунлигини кўриш мумкин. Айниқса, замонавий адабиётшуносликда бадий олам манзарасини тасвирлаш, замон ва маконни ифодалаш, шу билан биргаликда асар қаҳрамонини яратиш каби бадийлик мезонларига асосланган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида замон ва қаҳрамон концепцияси очиб бериш ҳақидаги илмий-назарий фикрлар илгари сурилади. Хусусан Европа, Америка ҳамда Россия адабий муҳитида Роберт Хоскинс, Джеффри Мейерс, Майкл Бреннан, Лондон Меркурий, С.Н. Филюшкина, И.Н. Полосухин, И.В. Кабанова, В.В. Ивашева Е.В. Васильева ва яна бир қатор ёзувчиларнинг ижодий мероси тадқиқот доираси кенглиги билан ажралиб туради. Америка, Европа ва Россия олимлари томонидан Грэм Грин ижоди билан боғлиқ бўлган ёзувчи бадий олами, образлар тизими ва асарларидаги ижтимоий-сиёсий масалалар катта кизиқиш билан ўрганилган. Бироқ, ушбу тадқиқотлар мазмунида айнан адиб ижодида замон ва қаҳрамон концепцияси масаласига алоҳида тадқиқот объект сифатида илмий таҳлилга тортилмаган. Шу сабабли, ҳанузгача чет эл адабиёти намояндаси Грэм Грин ижодини замон ва қаҳрамон концепцияси юзасидан ўрганилиши долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бадий асарни таҳлил қилиш ва ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда турли тадқиқот методлари асосида ёндашувлар бўйича кенг имкониятлар кузатилмоқда. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўк»<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда ўзбек адабиётшунослигида чет эл ёзувчиларини ўрганиш орқали миллий маданиятни такомиллаштириш ва уларни миллат онгига сингдиришда алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё адабиётшунослигида бир қанча монографик тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларда Грэм Грин романларида замон ва қаҳрамон концепцияси масаласи етарлича ўрганилмаган. Инглиз олимларидан Robert Hoskins, Jeffrey Meyers, Neil McEwan, Michael G. Brennan, Kathie S. Russell, Morrison Patrick John, J.P. Kulshrestha, London Mercury, Б. Роберт ва Л. Роберто<sup>2</sup> мавзуга доир изланишлари алоҳида ахамият касб этади. Шунингдек, рус олимлари С.Н. Филюшкина, И.Н. Полосухин, И.В. Кабанова, В.В. Ивашева, Е.В.Васильеваларнинг<sup>3</sup> инглиз адабиёти, хусусан Грэм Грин ижодига бағишланган тадқиқотларида мавзуга оид баъзи маълумотлар бериб ўтилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида, жаҳон адабиёти кафедрасининг Англия ва Америка адабиётшунослиги тарихи ва долзарб масалалари устувор илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Грэм Грин романлари поэтикасини замон ва қаҳрамон концепцияси асосида илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

---

<sup>2</sup> Robert Hoskins. Graham Greene an approach to the novels garland publishing, inc. A member of the taylor & francis group. – New York and London. 1999. – P. 21; Jeffrey Meyers. Graham Greene: a revaluation. Palgrave Macmillan. 1990. P. 38; Neil McEwan: Modern novelists Graham Greene, St. Martin's Press. – New York. 1988. – P. 3; Michael G. Brennan. Graham Greene Fictions. Faith and Authorship. Continuum International Publishing Group. – New York. 2010. – P. 1; Kathie S. Russell: Narrative technique in Graham Greene's. The power and the glory. – Florida, Atlantic University. Boca Raton. Florida May 2000. – P. 17; Morrison Patrick John. The Quest motif in the fiction of Graham Greene. ProQuest Dissertations and Theses. – Global University of Toronto. PhD. 1975. – P. 5; J.P. Kulshrestha. Graham Greene "The novelist" Macmillan. – India limited. 1977; London Mercury. Graham Greene: The Dangerous Edge. – P. 13-42.

<sup>3</sup> Филюшкина С.Н. Грэм Грин – романист. Автореф. ... канд. филол. наук. – Москва, 1969. – С. 74; Полосухин И.Н. Концепция человека в литературно-критических работах современных английских романистов // Проблемы зарубежной литературы XIX-XX вв. Сборник научных трудов. – Москва, 1974. – С. 132-144; Кабанова И.В. Английский роман тридцатых годов XX века. – Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1999. – С. 99; Ивашева В.В. Легенда о Грине // Вестник Московского университета. Серия 7. Филология, журналистика. 1961. – № 5. – С. 45.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Грэм Грин ижодий тараққиётининг ривожланиш босқичларини ўрганиш ва илмий-таснифий асослаш;

Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи ижодига бўлган муносабатни назарий жиҳатдан таҳлилга тортиш;

Ёзувчи бадиий олами ва унинг эстетик шаклланиш омилларини кўрсатиш ва Грэм Грин ижодига натурализмнинг таъсирини ёритиш;

Грэм Гриннинг «The Power and The Glory» («Куч қудрат ва шон шараф») романдаги мураккаб инсоний муносабатларни ва қаҳрамоннинг дунёқарашлар тўқнашувини таҳлилий ўрганиш шунингдек образлар поэтикасини очиб бериш;

«The Heart of the matter» («Ишнинг моҳияти») асарининг композицион хусусияти, сюжет чизиғи ва образлар тизимини бадиий-эстетик тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Грэм Гриннинг «The Power and The Glory» («Куч қудрат ва шон шараф»), «The Heart of the matter» («Ишнинг моҳияти») каби ижтимоий-психологик романлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Грэм Гриннинг «The Power and The Glory» («Куч қудрат ва шон шараф»), «The Heart of the matter» («Ишнинг моҳияти») асарларида замон ва қаҳрамон концепциясининг бадиий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда биографик, қиёсий, генетик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

автобиографик жанрга хос бўлган ифода индивидуаллиги, ижтимоий-тарихий шароит, ёзувчининг ижодий нияти, бадиий асар ғоясининг мантикийлиги ва адиб фантазиясининг кенглиги, умумлаштириш ҳамда типиклаштириш каби поэтик мезонлар Грэм Грин асарлари контекстида индивидуаллик ва қиёсий-типологик умумлашмада изоҳланган;

илк бор ўзбек адабиётшунослигида Грэм Грин ижодида замон ва макон масаласи, гуманизм, ҳаётий ҳақиқатга содиқлик, қаҳрамонлар ички олами, жамият билан муносабатига доир фалсафий мушоҳадалар, ёзувчи ижодига хос бўлган реализм ва модернизмга оид хусусиятлар эстетик тамойиллар доирасида далилланган;

адибнинг сюжет ва композиция яратишидаги индивидуаллик, ижодкор дунёқараш, ижодий методи, ғоявий нияти, фантазияси, истеъдод салоҳияти, типиклаштириш манераси, ҳаёт материални қалб призмасидан ўтказиш маҳорати, эстетик идеал ва уни асар бадиий тўқимасига сингдириш иқтидори поэтик мезонлар асосида адабий-эстетик аспектда асосланган;

воқеаларни тасвирлаш йўсини, қаҳрамонларни тавсифлаш, конфликт ва характер яратиш, пейзаж ва портретнинг ғарбона тасвири, қаҳрамонлар руҳияти тасвири каби поэтик унсурларни қўллашдаги ижодкорнинг оригиналлиги ҳамда унинг бошқа ёзувчилардан фарқини кўрсатувчи омиллар ўзбек адабиётшунослигида аслиятдан қилинган таржималар асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Грэм Грин романларини замон ва қаҳрамон концепцияси кесимида ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш орқали ўзбек адабиётшунослигида ушбу мавзудаги асарлар тадқиқининг кенгайтиши ва уларни батафсил ўрганилган;

Грэм Гриннинг замонавий адабиётда тутган ўрни масаласи кўрсатилиб, жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи ижодининг ўрганилиш босқичлари ёритилган;

Грэм Грин асарларининг замон ва қаҳрамон концепцияси тадқиқи мисолида асар сюжети, композицияси, образлар поэтикаси, услуби сингари назарий масалалар ўрганилган ва илмий хулосалар чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикрларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосалар Грэм Грин ижоди, замон ва қаҳрамон концепциясининг бадиий адабиётда ёритилиш тамойиллари, тарихий шахснинг бадиий адабиётдаги талқини юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш амалиётида кенг фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан хулосалардан «Жаҳон адабиёти», «Англия адабиёти» ва «Адабий оқимлар эволюцияси» фанларини ва махсус курсларни ўқитишда ҳамда ўқув қўлланмалари, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишда; докторлик ва магистрлик диссертациялари, мақолалар ва курс ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Грэм Грин романларида замон ва қаҳрамон концепцияси тадқиқи натижаси асосида:

Ўзбек адабиётшунослигида Грэм Грин романлари замон ва қаҳрамон концепцияси илк маротаба бадиий маҳорат, образлар ва бадиий психологизм нуқтаи назаридан текширилганлиги, илк бор адиб романлари тадқиқотчи томонидан асл (инглизча) матн асосида таржималар доирасидаги муайян илмий-назарий хулосаларга оид материаллар ва илмий натижалардан И-ОТ-2019-7 рақамли Умумий ўрта мактаблар учун мўлжалланган 3D-тизимли интерактив ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва жорий (5-синф “Адабиёт” фани учун) номли амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 02-15-748-сон маълумотномаси). Натижада асар сюжети, композицияси, образлар поэтикаси, услуби сингари назарий масалаларни очиб беришга хизмат қилган;

Грэм Гриннинг бадиий маҳорати ва ижоди услуби масалаларига доир илк бор аслиятдан қилинган таржималар асосида очиб берилган илмий натижалар ҳамда материаллардан Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган ОТ-Ф1-69 рақамли “Санкт-Петербург қўлёзмалар институти ва ТДШИ хузуридаги Шарқ қўлёзмалар марказида сақланаётган Хоразм адабий манбаларининг комплекс тадқиқи” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва



ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 89-03-4853-сон маълумотномаси). Натижада инглиз китобхонини XIX аср Хоразм адабий муҳитини ўзига хос хусусиятлари, Мунис ва Огаҳий шахсияти, ижодий мероси билан таништириш, ҳар иккала халқ адабиётида ўхшашликлар борлигини аниқлаш имконини берган;

Грэм Грин асарларида замон ва қаҳрамон концепцияси асосида тарих ҳақиқатини бадиият ҳосиласига айлантириш, ёзувчининг образли тафаккури асосида мураккаб инсоний муносабатлар замон ва макон кесимида ёритиб берилишига доир диссертация илмий-назарий қарашлари хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий-маърифий муассасалар ва номоддий миллий меросни ривожлантириш шўъбаси томонидан ўзбек халқининг бой миллий тил анъаналари, номоддий маданий мероси, ижтимоий кадрларимизнинг миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш борасида тузилган “Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштириш”га доир услубий кўрсатмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 01-12-14-3745-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиётининг ўзбек адабиётшунослигида кенг қамровли ўрганилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этилишига эришилган;

ўзбек адабиётида илк бор Грэм Грин асарларида замон ва қаҳрамон концепциясининг бадиий таҳлили илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги ҳақидаги илмий хулосалар жаҳон адабиётининг энг муҳим хусусиятлари: тиллар ва маданиятларлараро тўқнашув, биографик метод тамойиллари бадиий-концептуал яхлитликда илмий-назарий жиҳатдан умумлаштирилганлиги сабаб бадиий асар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 19 августдаги 01-03-05/712-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиёти нодир асарларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ масалалар ечими доираси кенгайган;

Грэм Грин романлари ўзбек адабиётшунослиги, замон ва қаҳрамон концепцияси бадиий маҳорат, образлар ва бадиий психологизм нуқтаи назаридан текширилганлиги, илк бор аслиятдан қилинган таржималар амалга оширилганлиги, ҳамда мавзу доирасидаги муайян илмий-назарий хулосаларга оид материаллар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва Андижон давлат университетида 2017-2021 йилларда бажарилиши мўлжалланган ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 2021 йил 15 апрелдаги 38-04-920-сон маълумотномаси). Натижада тарихий шахснинг бадиий адабиётдаги талқини юзасидан мавжуд маълумотларга эга бўлиш имкониятига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та республика, 3 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Грэм Грин ижодининг ривожланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобида Грэм Грин ижодининг ривожланиш босқичлари, хориж адабиётшунослигида ёзувчи ижодига бўлган муносабат ва адиб бадиий оламининг шаклланиш омиллари очиқ берилган.

Грэм Грин ижодига доир назарий адабиётлар кенг қамровли бўлиб, улар ёзувчининг серқирра мураккаб шахсияти ва ижодини очиқ беришда муҳим аҳамиятга эга. Инглиз адабий танқидчиси Д. Лоджнинг таъкидлашича, замонавий адабиётга қизиқиш билдирганлар, ёзувчининг «Гринленд» (Greeneland) қитъасидан безътибор ўтиб кета олмас эдилар<sup>4</sup>. Маълумки, жаҳон адабиётшунослигида Грэм Гриннинг бадиий оламини «Гринленд» дея изоҳ беришган.

Грэм Гриннинг ижоди адабиётшунослар томонидан турлича талқин қилинган. Улар ёзувчи услубини аниқлашда ва романларини таснифлашда қатор қийинчиликларга дуч келишган. Кузатишларимиз асосида шу нарса маълум бўлдики, Грэм Грин асарларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун ёзувчининг бадиий оламини ўрганиш янада кўпроқ самара беради.

Грэм Грин романларининг мазмун-моҳияти маълум маънода унинг ҳаёт тарзига мос келади. Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди биограф олимлар Норман Шерри ва Майкл Шелдан томонидан ўрганилган<sup>5</sup>. Ушбу адабиётларда Грэм Грин ҳақида бир-бирига зид фикрлар билдирилганки, буни аниқлаш ва унинг ҳақиқий ҳаёт тарзи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун изланишлар олиб борилди ва муайян илмий-назарий хулосаларга келинди.

Адабиётшуносликда Грэм Грин ижодига бағишланган илк жиддий илмий тадқиқот ишлари француз олимларига (Ж. Мадол, П. Ростенн) тегишли бўлиб, йигирманчи асрнинг биринчи ярмида яратилган<sup>6</sup>.

<sup>4</sup>Kulshrestha J. P. "Graham Greene's Entertainments." Graham Greene. The Novelist. – India, 1977. – P. 67.

<sup>5</sup>Michael G. Brennan. Graham Greene Fictions, Faith and Authorship, Continuum International Publishing Group. – New York, 2010. – P. 1.

<sup>6</sup>Adamson Judith. Graham Greene: The Dangerous Edge Where Art and Politics Meet. – New York: St Martin's, 1990, – P. 53.

Адабиётшунос Ла Вернянинг фикрича, Грин ижодига нисбатан омманинг кизиқиши уйғонишига асосий сабаб – саргузаштга бой сюжетларнинг мавжудлиги, асардаги воқеъликнинг динамик равишда ўсиб боришидир.

Кўплаб тадқиқотчилар, хусусан, Ф. Насруллаева, Ф. Карл ва бошқалар Грин романларида фожиали овоз хукмронлик қилади деб таъкидлашган. Грин романларининг фожеаси нафақат асосий қаҳрамонларнинг ўлимида, балки улар олдига қўйилган ҳалокатли танловидадир деб ҳисоблашган<sup>7</sup>.

Буюк Британиянинг таниқли адабий танқидчиларидан бири Жон Леман, Гринни «энг қизиқарли замонавий романавист» деб атаган ва унинг «Brighton Rock» (Брайтон чўққиси), «The Power and the Glory» (Куч-қудрат ва шон-шараф) романларини энг яхши асарлар сирасига киритган. Адабиётшунос А. Колдер-Маршалл «Грэм Грин асарлари» (1940) ва «Грэм Грин» (1947) номли мақолаларида ижтимоий муаммолар ҳамда жамиятнинг нобоп жиҳатларини очиб ташлай олиш хусусиятларини муҳим аҳамиятга молик жиҳатлар сифатида кўрсатади<sup>8</sup>.

Грэм Гриннинг илк романлари нашр қилиниши билан, рус тадқиқотчилари В.В. Ивашева, С.Н. Филюшкина, А. Анкист, А. Елистратова, И. Анисимова, Т. Лапина, П. Палиевский, Н. Эйшискина, Г.В. Аникин, Л.Г. Танажко, В. Зорин, Л. Копелев, А. Лебедев ва бошқаларнинг илмий асарлари юзага келган. Жумладан, «Грин ҳақида афсона» (1961), «Охирги ўн йилликда инглиз адабиёти» (1950-1960)», «Замонавий инглиз адабиёти» (1963), «XX аср инглиз адабиёти» (1967) каби илмий ишларда ёзувчи ижодининг турли қирралари очиб берилган<sup>9</sup>.

Илк ижодий қадамларини реалистик метод билан бошлаган ёзувчининг ижодида бу метод, ижтимоий танқид ва ижтимоий сатира хусусиятлари билан бирга намоён бўлган. Илмда такидланганидек, урушдан сўнгги даврдаги адабиётда бу хусусиятлар янада кучайиб борган<sup>10</sup>. Масалан, адибнинг «Ювош Америкалик» (The Quiet American) романида айнан шу каби оммавий сиёсий муаммоларга дуч келамиз.

Олтмишинчи йилларда Грэм Грин ижодига бағишланган илмий тадқиқот ишлари сезиларли даражада ортди. Ундан олдинги олиб борилган тадқиқот ишларида унинг ижоди етарлича, холис ва чуқур ўрганилмаган.

В.В. Ивашева В. Днепров, С.И. Белза, А. Зверев ва бошқа кўплаб адабиётшунослар Грэм Грин романларини фалсафий, фалсафий-психологик асарлар сирасига киритишган. Бизнингча, бунинг асосий сабаби, адиб асарларининг мазмун моҳиятида фалсафий ва руҳий ифоданинг устунлиги

<sup>7</sup>Friedman Alan. "The Dangerous Edge: Beginning with Death." Ed. Jeffrey Meyers. Graham Greene: A Reevaluation. – London: Macmillan, 1990. – P. 13-55.

<sup>8</sup>Donaghy Henry. Conversations with Graham Greene: Literary Conversations Series. Jackson: University Press of Mississippi. – Mississippi, 1992. – P. 132.

<sup>9</sup>Ивашева В.В. Легенда о Грине // Вестник Московского университета. Серия 7. Филология, журналистика. – Москва, 1961. – № 5. – С. 41. Donaghy Henry. Conversations with Graham Greene: Literary Conversations Series. Jackson: University Press of Mississippi. – Mississippi, 1992. – P. 146; Greene Donald. Graham Greene and Evelyn Waugh: «Catholic Novelists» // Graham Greene: A reevaluation: New essays. Ed. By Jeffrey Meyers, Prof New York: St. Martin's Press. – New York, 1990. – P. 186.

<sup>10</sup>Ивашева В.В. Грэхам Грин // Современная английская литература. – Москва, 1963. – С. 29.

бўлиб, масалан, «Куч-қудрат ва шон-шараф» асарида руҳоний образи ўзида ҳам фалсафий, ҳам руҳий хусусиятларни жамлай олган.

Грэм Грин асарларида диний мавзуларнинг мазмуни чуқур очиб берилган. Ёзувчининг таъкидлашича, унинг аксарият асарларида диний таъсирларга дуч келасиз, шу билан бирга ёзувчи католик дини ёзувчиси эканлигини рад қилади, фақат инсон омили унинг диққат марказидалигини таъкидлайди.

К.Аллот ва М.Ферриснинг «Грэм Грин ижоди» номли монографиясида тадқиқотчиларнинг эътибори, асосан, Грэм Грин романлари «жиддий» ёки «кўнгилочар» асарлар талабларига қай даражада мос келиш-келмаслигига қаратилган<sup>11</sup>.

Ҳинд олимнинг фикрича, Грэм Грин кўнгилочар жанрдаги романларининг одатий хусусиятлари ташқи таъсирга эътибор қаратилиши – қахрамон шаклланишидаги камчиликларни ва романнинг таркибий қисмларини боғлаш учун мелодраматик қурилмалардан фойдаланишда кўринади<sup>12</sup>. Бизнингча, бу жиҳат асосан триллерларда кўринади. Улар асосан жиноят, қотиллик, фитна ва жосуслик мавзулари ҳамда ғояларидан таркиб топади. Табиий оламнинг даҳшатли манзараси Грин бадиий оламининг энг кизиқарли жиҳатларидан бири саналади.

Ушбу тадқиқотимизни шакллантиришда Грэм Грин ижодини ўрганган олимлардан И. Ивашева, Н. Соловьева, Ла Вернянинг илмий-назарий фикрлари асос бўлиб хизмат қилди.

Грэм Грин бадиий оламининг шаклланишида бир қанча омиллар муҳим рол ўйнаган. XX аср инглиз адабиёти уч асосий ҳодиса: глобал уруш, радикал кучлар таъсири, мустамлакачилик ҳукмронлигининг таъсири остида эканлиги билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортган. Инсоният ҳаётига раҳна солган кўзғолон, уруш ва унинг оқибатлари ёзувчиларнинг ижодига ҳам таъсир қилган. Грэм Грин ижодининг шаклланиши инсоният ривожланишининг мураккаб ўтиш даврларидан бирига тўғри келди. XX асрнинг бошларида тарихда чуқур из қолдирган инқилоблар ва биринчи жаҳон уруши мавжуд дунёнинг таназзулга учраб, бутунлай бошқа янги дунёнинг қайта юзага келиши даврига айланди<sup>13</sup>.

Агар Грэм Грин ижод қилган даврга назар ташлайдиган бўлсак, XX аср инглиз адабиёти ютуқ ва камчиликлари, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши кўз олдимизда гавдаланади<sup>14</sup>. Биринчи жаҳон уруши Англия вужудини титратди, шу билан бирга унинг маънавий дунёсини ларзага солди. Ушбу даврда юз берган турли воқеа-ҳодисалардан олинган билим ва тажрибалар бизгача мерос сифатида етиб келган ва ҳозиргача ўз таъсирини ўтказишда давом этмоқда. Бу нарса, ўз навбатида, ёзувчиларнинг руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Улар ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўрганиб, ушбу воқеа-ҳодисаларга нисбатан шахсий фикр ва

<sup>11</sup> Don Vann J. Graham Greene. A Checklist of Criticism. Ohio: University of Kentucky Press. – Kentucky, 1970. – P. 164.

<sup>12</sup> Kulshrestha J. P. “Graham Greene’s Entertainments.” Graham Greene. The Novelist. – India, 1977. – P. 179- 222.

<sup>13</sup> Donaghy Henry J., Graham Greene, an Introduction to His Writings, Rodopi. – Amsterdam, 1986. – P. 234-240.

<sup>14</sup> Bergonzi Bernard, A Study in Greene. Graham Greene and the Art of the Novel, Oxford University Press. – Oxford, 2006. – P. 214.

муносабатларини ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Ёзувлик урушдан кейинги давр ёзувчиларига хос муаммолардан бирига айланди.

Грэм Грин қаҳрамонлари ҳаётда турли қийинчиликларга дуч келганда, тушкунликка тушмасдан ақлини дарҳол ишга солади ва ўзлари билиб-билмаган ҳолда мукамал тажрибалар орттиради. Инсон қисқа умри давомида ўзининг «мени»ни намоён қилиш мақсадида ўзлигини кашф этади, шунингдек, жамиятнинг онгли аъзоси сифатида миллат ҳаётида муҳим бир из қолдиришга ҳаракат қилади, инсонларга наф келтирувчи тарихий шахсга айланишга интилади. Адиб қаҳрамонлари эса ўз номақбул иллатларини тан олган ва иқдор бўлган ҳолда бандаликни бажо келтиради. Бу эса жамиятнинг инқирозга юз тутганидан далолат беради. Шу боис, Грэм Грин асарларини ўқиган китобхон, салбий иллатлардан воз кечган ҳолда маънан ва ақлан етук инсон бўлиб етишишга ҳаракат қилади. Муаллиф қаҳрамонлари, ўз навбатида, жамиятда иродали шахсларни тарбиялаб вояга етказишда яхши намуна бўла олади. Умуман, кузатишларимиз асосида, Грэм Гриннинг асосий романлари XX асрда шахс рухий ҳолатини ифодалайдиган муҳим асарлар сирасига киради.

Грэм Грин ўзи айтганидек, икки жанр – «психологик детектив» ёки «кўнгилочар» ва «жиддий романлар» ижодкори сифатида дунёга танилган. Иккала жанрнинг ҳам асосий мавзуси бир-бирига яқин. Аммо кузатишларимиз «жиддий романларда» қаҳрамонларнинг ички дунёси мураккаброқ ва психологик таҳлил янада чуқурлашиб боришини кўрсатди.

Унинг асарлари давр жиҳатидан дастлабки асарлар, сиёсий романлар, католик дини руҳида ёзилган романларга ажралади. Маълум муддат ёзувчи католик мавзуларида ижод қилади (масалан, «Брайтон чўққиси», «Йўқотилган кадр-қиймат»). Католик романларидан кейин Грэм Гриннинг сиёсий романлари «It's battlefield» (Жангу жадал майдони), «England made me» (Англия мени кашф этди), «Ювош америкалик» (The Quiet American) ва «Comedians» (Масхарабозлар) дунёга келди.

Грэм Гриннинг бадиий маҳорати шундаки, у барча асарларида доим инсонпарварлик ғояларини илгари суради, инсонни улуғлайди ва ҳимоялайди, керак бўлса, қалқонига айланади. У яратган асар қаҳрамонлари доим энг яқин одамлари ёнида бўлса-да, абадий ёлғизлик қарига ғарқ бўлган инсонлардир. Ёзувчи қаҳрамонларининг шу ёлғизлиги асосий хосликларидан биридир. Грэм Грин эътиборини ёлғиз инсонларнинг ички дунёсида юз бераётган курашларга, фалсафий илдизларига қаратади. Асар қаҳрамони разил ишларга қўл уришига, дийдаси қаттиқ, бағритош инсонга айланишига баъзи омиллар: даҳшатли ва аянчли муҳит, пароканда ҳаёт туртки бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Фактик тасвирлар орқали ҳаётнинг муайян бир даврдаги ижтимоий манзарасини, жамият психологиясини ва ана шу муҳитдаги одамлар табиатини - бир неча касб-кор эгаларининг характер-хусусиятларини жонли лавҳаларда гавдалантиришга эришади. Грэм Грин романларида турли мамлакатларда юз берган революция, фуқаролик уруши, давлат тўнтариши ва уларнинг инсоннинг руҳияти, маънавияти, ақлига бўлган таъсири ёритилади.

Диссертациянинг «**Қуч-қудрат ва шон-шараф**» романида қаҳрамон ва замон» деб номланган иккинчи бобида ушбу романдаги мураккаб

инсоний муносабатлар, макон ва замон масаласининг романдаги инъикоси ва қахрамонлар дунёқарашидаги тўқнашувлар таҳлил этилган.

Грэм Гриннинг «Куч-қудрат ва шон-шараф» романида инсоний муносабатларнинг турли қирралари талқин қилинган. Адиб асарида инсон тақдирини ҳал қилар экан, унинг турмуш тарзини индивидуал равишда очиб беради. Грин қахрамони воқеаси – бу бирор бир конкрет (муайян бир қолипдаги) шахс эмас, балки инсон тақдири, умуман, унинг кўрган-кечирганларидир<sup>15</sup>. Шу боис Грин бадиий тўқимасида келтирилган характер бу - бирор бир ўтмишнинг маълум бир жамият ва миллатига тегишли эмас. Бунда ижодкор ҳар бир қахрамонни ўзи шакллантиради. Грэм Грин ижодидаги қахрамонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридагидек қудратли шахс сифатида тасвирланмаган. Ёзувчи қахрамони Худо ва ўзи яшаётган оламга исён қилмайди, у фақат жараённи руҳан англаб, унга ўз муносабатини билдиради.

Л.Н. Толстой «Уруш ва тинчлик» романида тарихий шароитлар таъсирида Андрей Болконский, Пьер Безухов, Наташа Ростоваларнинг «мен»и «синовлар йўлида» халқ, жамоа «мен»и билан қўшилиб кетишини кўрсатиб бера олган: ёзувчи миллий-тарихий даврга хос характерларни ярата олган. Грин эса халқ «мен»ини юзага келтирадиган бирор бир миллатга мансуб алоҳида одамнинг «мен»ини эмас, балки умуман инсон «мен»ининг шаклланишидаги кескин ўзгаришни тадқиқ этади. Шу аснода Грин тарихни ўзининг тақдири сифатида қабул қилади»<sup>16</sup>. Ўзининг шахсий ҳаёти орқали борлиқни кашф этиш қобилиятини, «бой берилаётган ва йўқолиб бораётган фоний ҳаёт мазмунини намоён этадиган ва айни пайтда умумий ибтидоларга ҳам йўл кўрсатадиган ҳақиқатни англаб етиш усулини ихтиро этади.

Умуман, адиб ўз асарида шахсийлик, умумийлик ва тарихийлик билан боғланиб кетади. Грин ўтиш давридаги қахрамоннинг онгли исёнини акс эттиради. Адибнинг мақсади қахрамон қарашларини янгича ғоялар билан бойитиш ва инсон манфаатларига хизмат қилувчи кадриятларни яратишдан иборат.

Гриннинг ҳар бир романида инсоннинг маълум бир жиҳати, масалан, «Куч-қудрат ва шон-шараф» романида тарихий жиҳат, «Ишнинг моҳияти» романида ижтимоий ва сиёсий, «Бир муҳаббат муносабатлари якуни» асарида эса маънавий-ахлоқий ёки оилавий-маиший хусусиятлар ифодаланган. Бизнингча, ёзувчи романларининг айнан шу жиҳати уларни инсон тақдири ҳақидаги роман-эпопея деб аташимизга асос бўлади. Бадиий адабиётда бу каби инсоний муносабатлар ёзувчилар томонидан батафсил ўрганиб чиқилган. Гриннинг новаторлиги шундаки, унинг асарларида муаммоли нуқталар, тасвирланаётган жараёнга нисбатан янгича ёндашувда намоён бўлади.

Романда илгари сурилган тарихий воқеаларга назар солар эканмиз, ундаги макон ва замон хусусиятлари, қахрамонларнинг ҳар бири ўзини макон ва замон оқимида муайян равишда ҳис этганини кўраемиз. Даставвал макон ва замон катлами муаллифнинг тарих концепциясини, романдаги олам манзараларини

<sup>15</sup> Филошкина С.Н. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Москва, 1969. – С. 16.

<sup>16</sup> Жлуктенко П.Ю. Обретение целостности. Герой в романах Дж.Конрада, Э.М.Форстера, Г.Грина // Английский психологический роман XX века. – Киев, 1988. – С. 50.

ифодалайди. Ушбу жиҳат романда нафақат маконга оид, балки замонга ҳам оид равишда тасвирланади: «*On the General Obregon a faint breeze began to blow: banana plantations on either side, a few wireless aerials on a point, the port slipped behind. When you looked back you could not have told that it had ever existed at all. The wide Atlantic opened up... The land went backward at a slow even roll, and the dark came quite suddenly, with a sky of low and brilliant stars... There was an enormous sense of freedom and air upon the gulf, with the low tropical shore-line buried in darkness as deeply as any mummy in a tomb*»<sup>17</sup>.

«Куч-қудрат ва шон-шараф» романида макон энг аввало руҳий макон, турли ҳиссиётлар макони сифатида қабул қилинади. Шунинг учун романдаги макон реалияларининг қабул қилиниши рамзий мазмун касб этади. Романдаги воқеликлар Мексика штатларидан бирида содир бўлади. Штатнинг марказида барча черковлар вайрон қилинган. Асардаги тасвирланган замон учун реал, тарихий вақт билан мифологик замон қатламларининг аралашиб кетиши характерлидир.

Умуман, Грэм Грин «Куч қудрат ва шон-шараф» асарида макон ва замон тасвирини яратишда аниқ тарихий фактлардан эмас, балки муаллиф томонидан яратилган бадий олам, яъни «Гринленд»га мансуб бўлган воқеликни яратишга муваффақ бўлади.

«Куч-қудрат ва шон-шараф» романида дунёқарашлар тўқнашуви романнинг учинчи қисм, учинчи бобида келтирилган. Бунда асарнинг асосий қаҳрамонлари: руҳоний билан лейтенант мулоқотида дунёқарашлар тўқнашувини кузатамиз. Улар инсонларнинг дунёқараши, эътиқоди хусусида баҳс мунозара қилишади. Асарнинг асосий қаҳрамони лейтенант ўзининг одамлар ва дунё ҳақидаги мулоҳазаларида ижобий материалистик олам манзарасига таянади. Лейтенант ҳам руҳоний каби лоқайд инсон бўлмагани сабабли, уни одамларнинг изтироблари, жаҳонда уйғунликнинг йўқлиги қийнайди. Унинг фикрича, черков ва сиёсат инсоният азоб-уқубатларининг, жамиятдаги адолатсиз ижтимоий тузумнинг сабабчиларидир. У ҳаммадан ҳам кўпроқ мавжуд тузумни оқлайдиган руҳонийларни ёмон кўради, чунки улар барча қилган ёвузликлари учун жавобгарликни ер эгаси зиммасидан соқит қилишга уринадилар: «*You are so cunning, you people. But tell me this— what have you ever done in Mexico for us? Have you ever told a landlord he shouldn't beat his peon—oh, yes, I know, in the confessional perhaps, and it's your duty, isn't it, to forget it at once? You come out and have dinner with him and it's your duty not to know that he has murdered a peasant. That's all finished. He's left it behind in your box*»<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Greene Graham. *The Power and the Glory*. – London: Heinemann, 1959. – P. 19. “Генерал Обрегонни энгил шабада ўрай бошлади; ҳар икки қирғоқ бўйидаги банан плантациялари, қўлтиқдаги бир неча радиостанциялар, порт орқага қараб тисарилардилар. Агар атрофга назар ташланса, бу порт қачонлардир бўлган ёки бўлмаганлигини айтиб бўлмайди. Олдинда бепоён Атлантика очилди... Ер секин, бир маромда орқага сурилиб ботарди, осмонга ялтироқ юлдузларни сочиб юбориб қоронғулик ҳам дарҳол тўшиди... Қўлтиқда поёни йўқ ҳуррият ва ҳаволи кенглик ҳукмрон суради, тропикларнинг настлашган қирғоқ чизиклари худди қабрдаги мумия каби қоронғуликнинг чуқур қаъридан қуним топган эди.”

<sup>18</sup> Greene Graham. *The Power and the Glory*. – London: Heinemann, 1959. – P. 194. “Сизлар айёр кишиларсиз, – дейди у руҳонийга, – эслагинчи, биз учун Мексикада нималар қилган эдингиз? Ҳўи, сен бирор марта бўлса ҳам ерни ижарага берадиган ер эгаларига улар ерида арзимаган пулга ҳўрланиб шилайдиган ишчиларни

Буюк ишларни бажараяпман деб ўйлаган лейтенант мавжуд ёвузликларни кўпайтиради ва дунёдаги ҳеч нарсани ўзгартира олмайди: католик дини инсоннинг заифлигини тан олган ҳолда ўзининг шахсий масъулиятини черковга юклашга ижозат беради; лейтенант янгича, яъни ижтимоий мифологияни – қашшоқлар ҳокимиятини ўрнатади.

Лейтенант ўзининг болалигидан мерос қолган тажрибаси орқали камбағалларнинг камситилиши, уларнинг азоб-уқубатлари ҳақида сўзлаб беради ва бу билан фактларга қаттиқ ишонган ҳолда, уларни жамлайди. Руҳоний ўзганинг тажрибаси, дунёқарашини ҳурмат қилган ҳолда уни диққат билан тинглайди. Лекин иккинчи томондан, ҳеч қайси бир инсоннинг тажрибаси дунёни тўлалигича қамраб олмаслигини, дунё ҳақида хулосаларнинг тугал бўла олмаслигини тушунади.

Руҳоний индивидуал, алоҳида маънавий ўсиш йўлида бўлиб, зўравонликни ҳушламайди, чунки у руҳий оламда зўравонлик бемаъни иллат деб ҳисоблайди. У Худонинг марҳаматига эришишни озодликни ҳис қилишда ва ўз виждонига кулоқ солишда деб тушунади. Унинг ҳаёт ҳақидаги қонун-қоидаларининг мазмун-моҳияти ҳам айнан шунда. Руҳоний инсоннинг номукамал муҳаббати, инсоний заифлигига илоҳий марҳаматнинг буюклиги ва кенглигини қарши кўяди: *«We wouldn't recognize that love. It might even look like hate. It would be enough to scare us— God's love. It set fire to a bush in the desert, didn't it, and smashed open graves and set the dead walking in the dark»*<sup>19</sup>. Хуллас, Грэм Грин ўз персонажларини ҳаётий позицияларини, қарашларини очиб бериш асносида уларнинг динга бўлган муносабатини ҳам ойдинлаштиради.

Диссертациянинг «**Грэм Грин романлари поэтикаси**» деб номланган учинчи бобида ёзувчи романларида образлар поэтикаси ва композициясининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Ёзувчиларнинг асосий вазифаси турли ижтимоий қатламларни тўлиқ ўрганиб, уларни бадий тасвирлашдан иборат. Жаҳон адабиётида, Бальзак, Диккенс каби машҳур ёзувчилар ўзларини инсон ҳаётининг аввал номаълум бўлган соҳа ва шакллари кашфиётчиларидек ҳис этишган, шунинг учун ҳам ҳар бир персонажнинг турмуши, яшаш тарзи, ижтимоий психологиясидаги энг майда деталларигача тасвирлашган. Грэм Грин ҳам XX аср ёзувчиси сифатида ушбу ижодий услубга амал қилади. Айни пайтда ёзувчини инсондаги уни ижтимоий мансублиги эмас, балки уни ижтимоий ва тарихий шароитлардан юқори белгиловчи хусусиятлар қизиқтиради. Шундай қилиб, Грин баёнидаги лўндалик уни XIX асрнинг реалист ёзувчиларидан фарқловчи янгича йўналиш вакили сифатидаги ўрнини аниқлаш имконини беради.

---

уришни тақиқлаганмидинг? Ҳа, биламан, тавба қилинадиган жойда балким панд насиҳат қилгандирсан, лекин сен буни ўша заҳотиёқ унутишга мажбурсан. Черковдан чиқиб у билан бирга бир столда ўтириб овқатланасан, шу боис у деҳқонни ўлдирган бўлса ҳам, буни унутишинг бурчинг тақозоси эди. Тамом вассалом. У ўз гуноҳларини сенинг тавбаҳонгда қолдирган”.

